



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 13 декабрь, № 258 (8881)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



АҲОЛИ БАНДЛИГИ ВА ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРАДИГАН МУҲИМ ТАРМОҚ

Президент Шавкат Мирзиёев 12 декабрь куни тўқимачилик ва чарм саноатидаги ислохотлар натижадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари бўйича йиғилиш ўтказди.

Бу тармоқлар аҳоли бандлиги ва экспортда катта ўринга эга. Хусусан, уларга тегишли корхоналарда 430 минг фуқаро иш билан таъминланган. Енгил саноатнинг жами ишлаб чиқаришдаги улуши 14 фоизни, экспортда 16 фоизни ташкил қилади.

Лекин бугунги мураккаб шароитда ташқи бозордаги вазият тез ўзгарапти. Бунинг таъсирида экспорт нархлари калава илди 9 фоизга, газламада 15 фоизга, тайёр маҳсулотда 13 фоизга тушган. Асосий экспорт бозорларимизда тайёр маҳсулот олиш камайган.

Йиғилишда бу вазиятга мослашиб ишлаш, ички имкониятларни тўлиқ сифарбар этиш чоралари муҳокама қилинди.

Январь — ноябрь ойларида тўқимачилик экспорти 2,6 миллиард долларни ташкил қилди. Соҳадаги имкониятлар ҳисобига буни ошириш мумкинлиги таъкидланди.

Жаҳон бозорига тола нархи пайсиб бораётган шароитда тола ва калава ипни чуқур қайта ишлашни кўпайтириш зарурлиги қайд этилди. Бунинг учун мато ишлаб чиқариш ва бўяш корхоналарини қўшимча қўллаб-қувватлаш чоралари белгиланди. Соҳа масъуллари олдида калава ипни қайта ишлаш даражасини 70 фоизга етказиш вазифаси қўйилди.

Шу билан бирга, бу йил қўй ва эчки териси экспортдан 10 фоизлик йиғим бекор қилингани натижа-сида 3 миллион долларлик экспорт шартномалари тузилган. Ушбу тажрибани келаси йил ҳам давом эттириб, экспортни ошириш бўйича топшириқлар берилди.

Чарм саноати корхоналарини хомашё билан узлуксиз таъминлаш чоралари ва келгусидаги режалар бўйича масъулларнинг ҳисоботи эшитилди.

Чарм саноатида бичувчи, тикувчи, ко-

сиб каби ўрта бўғин кадрлари етишмаётгани, бу йўналишда йилгига бор-йўғи 167 нафар мутахассис тайёрланаётгани кўрсатиб ўтилди. Шу боис пойабзал ишлаб чиқариш ривожланган Андижон, Наманган, Фарғона, Самарқанд ва Тошкент вилоятларидаги етакчи корхоналарни техникумларга боғлаб, дуал таълимни йўлга қўйиш зарурлиги айтилди.

Йиғилишда келгуси йилга мўлжалланган режалар ҳақида ҳам ахборот берилди.

Қайд этилганидек, енгил саноат тармоғига 2 миллиард доллардан ортқ хорижий инвестиция жалб қилиб, 82 та йирик лойиҳани амалга ошириш ҳамда 25 мингта иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Тўқимачилик маҳсулотлари экспортни 4 миллиард долларга, чарм маҳсулотлари экспортни 250 миллион долларга олиб чиқиш мақсад қилинган.

УЙ-ЖОЙ СОТИБ ОЛУВЧИЛАР МАБЛАҒЛАРИНИ КАФОЛАТЛАЙДИГАН ТИЗИМ ЯРАТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев уй-жой қурилишида аҳоли маблағларини кафолатлаш тизимига оид тақдимот билан танишди.

Мамлакатимиз аҳолиси 37 миллиондан ошди. Шу йилнинг ўзига 215 мингта оила пайдо бўлди. Албатта, буларнинг барчаси уй-жойга талабни кўпайтиради.

Жорий йилда 100 минг хонадонли кўп қаватли уйлар фойдаланишга топширилади. Келгуси йилда 120 минг хонадонли уйлар қурилиши режалаштирилган.

Шу билан бирга, талаб кўп-лигидан фойдаланиб, бу соҳада инсофсиз бизнес қилаётганлар ҳам бор. Тўлов тизими тартибга солинмагани, рақамлаштириш ва очик-ошкоралик йўқлиги бунга йўл очиб берапти. Янги уйларни олмоқчи бўлган одамлар пулини банк орқали эмас, тўғридан-тўғри қурувчига бераётгани учун бу маблағлар “соя”да қоляпти. Кўп

ҳолларда уйларни топшириш муддати кечикиб, аҳоли тўлаган пуллар “музлаб” турибди. Улушдорлик шартномалари ҳеч қачонда рўйхатга олинмай, фақат қурувчининг манфаатига хизмат қилипти.

Шу боис давлатимиз раҳбари 23 сентябрь куни қурилиш индустрияси бўйича ўтган йиғилишда уй-жой сотиб олишда аҳоли маблағларини кафолатлайдиган тизим яратиш топширигини берган эди. Тақдимотда бу борадаги тақлифлар қўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, хорижий давлатларда “escrow” тизими тажрибадан ўтган. Унга кўра буюртмачи ва тижорат банки ўртасида тузиладиган шартномага асосан ҳар бир қурилиш иншооти бўйича “escrow” ҳисоб-

варағи очилади. Кўчмас мулк учун келишилган маблағлар ушбу ҳисобварақ орқали амалга оширилади. Унда йиғиладиган маблағлар асосида тижорат банк-лари буюртмачига пасайтирилган фоизда кредит тақдим этади. Қурилиш битғач харидорнинг ҳисобварағидаги пул девелопер ташкилотга ўтказилади. Қурувчи ўз мажбуриятини бажармаган тақдирда, бу пул эгасига қайтариб берилади. “Escrow” ҳисоб-варағида турган маблағларга ундирув қаратилмайди.

Президентимиз тақлифларни маъқуллаб, бу борада ҳуқуқий асос яратиш, мазкур тизимни қурилишга алоқадор вазирлик ва идораларда интеграция қилиш бўйича кўрсатмалар берди.

Ў.А.

Учрашув

Икки томонлама алоқалар янада мустақамланади

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Жазоирнинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Муҳаммад Ирки билан учрашув ўтказди.

Мулоқотда икки томонлама ҳамкорликнинг муҳим жиҳатларини, шу жумладан, ижтимоий-сиёсий ва савдо-иқтисодий соҳалардаги шерикликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Ўзаро манфаатли алоқаларни мустақамлашга қаратилган қўшма ташаббусларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди.

Томонлар илмий шерикликнинг, айниқса, таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг аҳамиятини қайд этди. Испом тарихи ва маданий меросини ўрганишга бағишланган қўшма тадқиқот лойиҳаларини

амалга ошириш имкониятлари қўриб чиқилди.

Парламентлараро алоқаларни мустақамлаш масалаларига ҳам урғу берилиб, икки мамлакат парламентлари ўртасидаги ўзаро ришталарнинг самарали платформасини яратиш учун дўстлик гуруҳлари ишини фаоллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Учрашув якунида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш ва белгиланган ташаббусларни амалга ошириш иккала томон учун ҳам бирдек манфаат келтириши айтиб ўтилди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Сенатида

2025 йил учун ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАСТЛАБКИ ТАРЗДА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий масалалар ҳамда Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология, шунингдек, Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмиталарининг қўшма мажлисида “2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”-ги қонун сенаторлар, экспертлар ҳамда масъул вазирлик ва идоралар вакиллари иштирокида дастлабки тарзда муҳокама этилди.

Дунёдаги мураккаб ва ноаниқ вазият, жаҳон иқтисодий ўсиш суръатларининг секинлашуви шароитида Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолмоқда. 2025 йилга мўлжалланган прогнозга кўра иқтисодий ўсиш суръати 6 фоизни ташкил этиши кўзда тутилади. 2026-2027 йилларда эса иқтисодий ўсиш суръатлари мос равишда 6,1 ва 6,3 фоизгача ошиши кутилмоқда.

Келгуси йилда иқтисодий фаолликнинг ошиши ҳисобига бюджетга солиқ ва солиқдан ташқари тушумларни кўпайтириш орқали Давлат бюджети даромадлари 308,5 трлн. сўм миқдорига прогноз қилинмоқда.

2025 йилги Давлат бюджети харажатлари 344,8 трлн. сўм миқдорига режалаштирилган бўлиб, 52 фоизи ёки 177,7 трлн. сўми ижтимоий харажатларни молиялаштиришга йўналтирилади.



Сенатор минбари

Янги қонун халқ манфаатларига хизмат қилади

Ҳар қандай қонунчилик ҳужжатининг аҳамияти унинг халқ манфаатлари ва давлат ривожига қанчалик хизмат қилишига боғлиқ. Шу боис бугунги кунда қабул қилинаётган қонунлар мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар билан чамбарчас равишда такомиллашиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Солиқ ва бюджет сисёсатининг 2025 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”-ги қонуни Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 3 декабрда қабул қилинди. Ушбу қонун мамлакатда иқтисодий ривожланишни қўллаб-қувватлаш мақсадида солиқ тизимини соддалаштириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари манфаатларини ҳўйма қилишга қаратилган навбатдаги муҳим қадам бўлди.

Қонуннинг асосий мақсади — солиқ юкини камайтириш ҳисобига бозор ислохотларини тезлаштириш ва инвестиция муҳитини яхшилашдир. Бу каби ислохотлар мамлакатнинг иқтисодий юксалишини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Қонунда қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини қўшилган қиймат солиғидан озод этиш, ер солигини икки бараварга ошириш тартибини бекор қилиш ва яққа тартибдаги тад-

биркорлар учун ижтимоий солиқ миқдорини камайтириш каби чоралар кўзда тутилган.

Шу билан бирга, қайта тикланувчи энергия манбаларига боғлиқ солиқ имтиёзлари жорий қилингани кўпчилиكنинг эътиборини тортиши мумкин. Қонунга кўра қуёш панеллари ўрнатиш учун белгиланган солиқ ставкаси камайтирилади ва ушбу имтиёзлар янада кенгайтирилади. Қуёш панелларини ўрнатган шахслар учун солиқ тўлашда имтиёзлар белгиланиши билан эса экологик ислохотлар йўлида катта одимлар ташланмоқда. Муҳими, қуёш панеллари ўрнатилган бинолар учун солиқ ставкаси 25 фоиздан кам бўлмаган электр энергиясини тўплаш тизимига эга бўлган панеллар фойдаланишга топширилган ойдан эътиборан ўн йил давомида амал қилади. Шунинг баробарида янги қурилган кўп қаватли ишлаб чиқариш биноларига солиқ ставкасида кўрсатилган пасайтирувчи коэффицентлар ҳам жорий этилган.



Муҳокама

Ер участкаларидан фойдаланиш тартиби ўзгартирилмоқда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзЛиДеП фракцияси томонидан Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда ер участкаларидан фойдаланиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Мазкур қонун лойиҳаси давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 3 декабрдаги Фармони ижросини таъминлаш ва ер участкаларидан фойдаланиш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган. У билан айрим қонун ҳужжатларига ер участкаларидан рухсат этилган фойдаланиш турларини жорий этишни назарда тутовчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Шунингдек, Ер кодекси алоҳида боб билан тўлдирилиб, унда ер участкаларидан рухсат этилган фойдаланиш тизимини жорий қилиш, уларни белгилаш ва ўзгартириш тартиблари акс этяпти. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга эса фуқаролар томонидан кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни

амалга оширувчи органга тураржойга бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ўз вақтида муурожаат этмаганлик боис жарималарни енгиллаштиришни назарда тутовчи қўшимча норма киритилмоқда.

Мунозаралар давомида депутатлар қонун лойиҳасининг мохиятига алоҳида тўхталиб ўтишди. Хусусан, ЎзЛиДеП сайловолди дастурида кичик саноат зоналарида инвестиция мажбуриятини бажарган тадбиркорларга ер участкаларини хусусийлаштиришга рухсат беришнинг қонуний асосларини яратиш устувор вазифа сифатида белгилангани қайд этилиб, қонун лойиҳасида назарда тутилаётган янгилуқлар ушбу мақсадларга уйғун ва ҳамоханг экани таъкидланди.

Муҳокамада қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш, пишиқ-пухта ҳолатга келтириш бўйича тақлифлар илгари сурилди. Хусусан, депутат Сайдулло Азимов қонун лойиҳасининг 68²-моддаси бўйича аниқлаштирувчи саволларни кўтарган бўлса, депутат Шаҳноза Холмаҳаматова бугунги кунда ер участкаларидан фойдаланиш бўйича қозага келаётган айрим муамоларнинг ечимни юзасидан мазкур қонун лойиҳасида қандай янги нормалар киритилаётгани билан қизиқди.

Қонун ташаббускорлари кўтарилган масалалар юзасидан атрофлича тушунтириш бериб ўтди.

Йиғилишда депутатлар томонидан кўтарилган барча тақлифлар масъул қўмита ва ишчи гуруҳ аъзолари томонидан чуқур таҳлил қилиниши ва қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида эътиборга олиниши таъкидланди.

«Халқ сўзи».

Автомобилсозлик саноати:

Ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиб, сифати яхшиланади



Факт ва рақамлар

Мамлакатимиз автомобиль саноатини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар изчил давом эттирилмоқда. Хусусан:

2025 йилда “BYD” автомобилларининг 60 та деталини маҳаллийлаштириш ҳисобига электромобиль таннархини пасайтириш;

Маҳаллийлаштиришга қўмаклашиш маркази имкониятларини ишга солиб, ҳудудий корхоналар билан кооперация ҳажмини 2 карра кўтариш;

экспорт ҳажмини 700 миллион доллардан ошириш;

Самарқанддаги автобус ва юк транспорти корхоналарини ташқи бозорларга олиб чиқиш кўзда тутилган.



2025 йил учун ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАСТЛАБКИ ТАРЗДА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ



Шунингдек, Давлат бюджет хисобидан қишлоқ хўжалигига 3,3 трлн. сўм, сув хўжалигига 10,7 трлн. сўм ҳамда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга 3,6 трлн. сўм ажратилиши режалаштирилган.

Фискал барқарорликни таъминлаш мақсадида бюджет тақчиллигини камайтириш ўрта муддатли истиқболга мўлжалланган фискал сиёсатнинг бош мақсадларидан бири бўлиб қолмоқда.

Мажлисда ушбу қонун юзасидан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги вакиллари ахбороти эшитилди ҳамда сенаторлар, экспертлар ва маҳаллий Кенгашларнинг доимий комиссиялари томонидан қизгин муҳокама қилиниб, фикр ва мулоҳазалар билдирилди.

Муҳокама якуни бўйича Сенат қўмиталарининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Олий Мажлис Сенатининг Мудоаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси мажлисида “2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни тўғрисида”-ги қонун муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, унда тадбиркорлар ҳамда ишлаб чиқарувчиларга тенг шароит ва қулай бизнес муҳитини яратиш, инвестицияларни рағбатлантириш назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг ҳудудларга ташифлари давомида туман (шаҳар) маҳаллий бюджетлар даромадларини ошириш бўйича белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, туман (шаҳар) бюджетларининг даромадлар таркиби кенгайтирилиб, янги манбалар шакллантирилмоқда.

Муҳокама давомида сенаторлар 2025 йилги Давлат бюджетни бажарилиши устидан маҳаллий Кенгашларнинг тегишли доимий комиссиялари билан ҳамкорликда парламент назоратини амалга оширишга қилишиб олишди.

Яқунда қўриб чиқилган масала бўйича қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Худди шунингдек, Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси мажлисида ҳам ушбу қонун таҳлил қилинди.

Сенаторлар томонидан таъкидландики, қонунда бюджет маблағлари давлатнинг фуқаролар олдидagi ижтимоий маъмуриятларини бажаришга йўналтирилиши, солиқ ва бюджет сиёсатидаги ўзгаришлар тадбиркорликни янада ривожлантиришга қаратилиши назарда тутилган.

Давлат бюджетини шакллантириш ва ижро этишда фуқаролар-

нинг иштирокини, шунингдек, бюджет маблағларидан ўз вақтида ва самарали фойдаланишни таъминлашга қаратилган механизмлар жорий этилмоқда.

Муҳокама жараёнида коррупциянинг олдини олишга қаратилган муҳим превентив механизмларни янада такомиллаштириш, давлат бошқарувида бюрократик тўсиқларни камайтириш, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, давлат хизматлари сифатини яхшилаш, рақамлаштириш орқали инсон омилини камайтириш мақсадида 2025 йилда ажратиладиган маблағлар натижадорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Кам таъминланган оилаларга болалар нафақалари ва моддий ёрдам пулларини тўлаш, болалар ва меҳрибонлик уйлари, вояга етмаганлар билан ишлаш секторлари ҳамда оилавий болалар уйлари саклаш харажатларини республика бюджетидан молиялаштириш тартиби саклаб қоли-наётгани ўзининг ижобий самарасини бериши қайд этилди.

Ўз навбатида, 2025 йилда биринчи даражали бюджет маблағларни тақсимловчиларга ажратилган маблағларнинг миқдори, харажат йўналишлари ва бюджетдан ажратилган трансфертлар сарфланишининг самарадорлиги, натижадорлиги ва мақсадлилиги-га эришиш бўйича таклиф ва тавсиялар берилди.

Муҳокама якунида қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси мажлисида сенаторлар, вазирлик ҳамда идоралар масъуллари, экспертлар, Ёшлар парламенти ҳамда маҳаллий Кенгашларнинг ёшлар сиёсати, маданият ва спорт масалалари комиссиялари аъзолари иштирок этиб, “2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни тўғрисида”-ги қонун юзасидан ўз фикрларини билдирди.

Таъкидланганидек, келгуси йилги Давлат бюджетининг саломли қисми ижтимоий соҳага йўналтирилади. Хусусан, кейинги йилда ҳам харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганлиги саклаб қолинган бўлиб, Давлат бюджетни харажатларининг асосий қисми ёки 52 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилиши кўзда тутилган.

Шунингдек, мажлисда Давлат бюджетини шакллантиришда Сенат ташаббуси билан киритилган таклифлар ҳам инобатга олинган кай қайд этиб ўтилди. Хусусан, Сенат таклифлари асосида 200 та лойиҳа учун 1,7 трлн. сўм ажрати-лишига эришилган. Шундан

110 млрд. сўмлик лойиҳалар маданият ва спорт объектларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш билан боғлиқ. Муҳокама сўнигида қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Сенатнинг Фан, таълим ва соғлиқни саклаш масалалари қўмитаси мажлисида “2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни тўғрисида”-ги қонун ҳамда 2025 — 2027 йилларга мўлжалланган Бюджетнома муҳокама қилинди.

Муҳокама давомида 2025 йил учун Давлат бюджетда ҳам харажатларнинг ижтимоий йўналтирилгани саклаб қолинган, Давлат бюджетни харажатларининг асосий қисми ёки 52 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилгани алоҳида таъкидланди.

Хусусан, 2025 йилда таълим ва фан соҳаси учун 86,3 трлн сўм (2024 йилги қўтилаётган ижрога нисбатан 17,8 фоиз кўп) ёки Давлат бюджетни харажатларининг 25 фоизи миқдоридagi, соғлиқни саклаш соҳаси харажатлари учун 41,3 трлн сўм ёки 2024 йилги қўтилаётган ижрога нисбатан 19,8 фоиз оширилган ҳолда маблағ режалаштирилмоқда.

Давлат тиббий сўғуртаси механизмларининг Сирдарё ва Тошкент шаҳрида тўлиқ жорий этилишини яқунлаган ҳолда уларни 2025 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва Қашқадарё вилоятларида татбиқ этиш кўзда тутилмоқда.

Мажлисда 2025 йилги Давлат бюджетни бажарилиши устидан маҳаллий Кенгашларнинг тегишли доимий комиссиялари билан ҳамкорликда парламент назоратини амалга оширишга келишиб олинди.

Шундан сўнг пальма ёғи ва унинг фракцияларидан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда фойдаланишни камайтириш тўғрисидаги масала қўриб чиқилди. Чунки таркибда гидрогенланган пальма ёғи мавжуд бўлган маҳсулотлар юрак-кон томир ва бошқа касалликларни келтириб чиқаришини кўрсатмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизга пальма маҳсулотларининг импорти ошди. Жумладан, Ўзбекистоннинг Малайзиянинг пальма маҳсулотларига қизиқиши 2023 йилда 2022 йилдагига нисбатан 60 фоизга ошган. Ташвишланарлики, 2022 йилда Ўзбекистонга импорт қилинган 86 минг тонна пальма ёғидан 18 минг тонна гидрогенланган пальма ёғи хисобланади. Бу эса мамлакатимизда пальма маҳсулотларига талаб ортиб бораётганидан далолат беради.

Шу боис сенаторлар томонидан озиқ-овқат саноатида пальма ёғидан фойдаланишни тартибга солиш ва аҳолини сифатсиз ўсимлик ёғларини истеъмол қилишдан ҳимоялаш зарурати мавжудлиги, келгусида масъул вазирлик ва идораларнинг бу борадаги ўрганиш ва ҳулосалари асосида қонунчиликка тегишли ўзгаришлар киритиш тўғрисида таклифлар тайёрланиши таъкидланди.

Муҳокама якуни бўйича қўмитанинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Масалага ойдинлик киритилди

Маълумки, “Миллий тикланиш” демократик партияси фракциясининг шу йил 9 декабрь куни бўлиб ўтган ййгилишида чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқишда тўлов интизомини мустаҳкамлашга қаратилган қонун лойиҳаси қизгин муҳокамага сабаб бўлган эди.

Ушбу лойиҳада чиқинди тўловларидан қарзи бўлганларни “SMS” орқали хабардор этиб бориш, қарздорлик вужудга келганлиги тўғрисида огоҳлантирилгандан кейин тўлов амалга оширилмаса, улардан электр энергияси учун тўловларни қабул қилишни вақтинчалик чеклаш назарда тутилган.

Депутатлар қизгин муҳокама жараёнида бу масалада алоҳида ўрганишлар олиб бориш, яъни янги киритилаётган тизимнинг жойларда ишлаши бўйича қўшимча маълумотлар зарурлигидан келиб чиқиб, лойиҳани қўриб чиқинши фракциянинг кейинги ййгилишига қолдирганди. Масъул идора вакиллари эса эътирозни қабул қилиб, тез кунларда ушбу масала бўйича қўшимча маълумотлар тақдим этишга ваъда берганди.

Фракция томонидан қўллаб-қувватланмаган қонун лойиҳаси палата ялпи мажлиси кун тартибига ҳам киритилмаган эди.

Кеча фракция ташаббуси билан ташкил этилган ййгилишда ушбу қонун лойиҳаси атрофида муҳокама қилинди. Масъул идора вакиллари чиқинди тўловларидан қарзи бўлганларни “SMS” орқали хабардор этиб бориш, қарздорлик вужудга келганлиги тўғрисида огоҳлантирилгандан кейин тўлов амалга оширилмаса, улардан электр энергияси учун тўловларни қабул қилишни вақтинчалик

чеклашни назарда тутувчи янги тизимнинг ишлаш тартиблари ҳақида батафсил маълумот беришди. Чикиндиларни тўплаш ва олиб чиқишда тўлов интизомини мустаҳкамлашга қаратилган янги тизим беҳиз ишлаб чиқилмагани қайд этилди.

Маълумотларга қараганда, маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича аҳолига кўрсатилган хизматлар учун дебитор қарздорлик ҳозирда 596 млрд. сўмни ташкил этиб, йил бошидагига қараганда 115 млрд. сўм кўпайган. Қарздорликларни ундириш тўғрисидаги аризаларни судларга киритиш бўйича Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг ҳудудий органларига юклатилган вазифа ҳам амалиётда ўз самарасини бермапти.

Ййгилишда ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, фуқаролар алоҳида огоҳлантиришдан кейин ҳам чиқинди бўйича қарздорликни бартараф этмаса, чиқинди бўйича қарзи тўланмагунига қадар электр



энергия бўйича тўловни амалга оширмаслик таклиф қилинаётгани таъкидланди.

Муҳокама давомида фракция аъзолари Азамат Пардаев, Фарҳод Зайниев ва бошқалар қонун лойиҳасининг моҳиятига алоҳида тўхталиб, унга киритилаётган айрим нормалар бўйича қонун ташаббускорларидан изоҳ сўрашди. Хусусан, электр тармоқлари ва истеъмолчилар ўртасида тузилган шартномалар қонун лойиҳаси қабул қилинганидан сўнг яна қайтадан тузиладими, деган савол қўтарилди.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги Азиз Абдуҳакимов кўтарилган барча савол юзасидан батафсил тушунтириш бериб ўтди.

Ййгилишда берилган таъкидлар қонун лойиҳасини маромига етказиш чоғида эътиборга олинадиган бўлди.

ров реестрида рўйхатга олишни йўлга қўйиш кўзда тутиляпти.

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларига факторинг хизмати кўрсатишга ихтисослаштирилган факторинг ташкилотлари ташкил этилиши белгиланмоқда. Факторинг ташкилоти фаолияти нобанк кредит ташкилоти сифатида реестрга киритиш воситасида Марказий банкда ҳисоб рўйхатидан ўтгандан кейин амалга оширилиши, шунингдек, факторинг ташкилотларининг фаолияти Марказий банк томонидан тартибга солиниши ва назорат қилиниши ифодаланяпти.

Масъул қўмитада қонун лойиҳасини тақомилга етказиш ишлари давом этмоқда.

Тадбиркорлик субъектлари молиявий қўллаб-қувватланади

Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси томонидан Ўзбекистонда факторинг хизматлари бозорини ривожлантиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишга тайёрланмоқда.

Қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишлаб ўтказилган ишчи гуруҳ ййгилишида депутатлар лойиҳани биринчи ўқишда муҳокама этиш чоғида берилган барча таклифни чуқур таҳлил қилдилар. Айрим нормалар юзасидан асосли таклифлар берилди.

Маълум қилинганидек, мазкур

қонун лойиҳасида пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялашга (факторинг) оид муносабатларни тартибга солишдаги эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган нормалардан воз кечилиб, қонунчиликни Хусусий ҳуқуқни унификация қилиш халқаро институтининг

Депутатлар фаолияти самарадорлиги йўлида

Маълумки, Президент Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги нутқларида ҳокимиятнинг вакиллик органларига бўлиб ўтган сайлов жараёнлари сифатини юқори баҳолаб, сиёсий партияларнинг сайловолди дастурларида баён этилган қатор ташаббусларни қўллаб-қувватлаганини ва сиёсий партиялар фракциялари бу ташаббусларни биринчи галдаги вазифалар сифатида белгилаб, уларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш зарурлигини қайд этган эди.

Шундан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида депутатларни парламент фаолиятининг назарий асослари билан яқиндан таништириш, уларнинг қонун ижодкорлиги борасидаги касбий қўнимчаларини янада мустаҳкамлаш мақсадида ўқув-семинарлар ташкил этилди. Уларда давлатимиз раҳбари нутқлари парламент ишини ташкил қилишда муҳим дастурий ҳужжат экани, илгари сурилган таклифлар қўйи палата фаолияти натижадорлигини оширишга ёрдам бериши қайд этилди.

Ўқув-семинарда қўйи палатага кирити-

лаётган қонун лойиҳалари сифатини ошириш, амалиётда самарали ишлайдиган қонунларни қабул қилиш, вазирлик ва идоралар, ҳудудлар раҳбарлари депутатлар томонидан жойларда аниқланган муаммоларни ҳал этишда қўмиталар билан тизимли ҳамкорликни йўлга қўйишга оид ишларни ташкил қилишга эътибор қаратилиб, бу бўйича устувор вазифалар белгилаб олинди.

Янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқ мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан таъсирчан

парламент назоратини амалга ошириш бўйича Қонунчилик палатасига аниқ ваколатлар берилгани таъкидланди. Хусусан, Қонунчилик палатаси қўмиталарига давлат органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқи берилди. Бундан ташқари, парламент текшируви Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари орасидан тенглик асосида тузиладиган биргаликдаги махсус комиссия томонидан ўтказилиши белгиланди.

Ўқув-семинарларда депутатларнинг қонунчилик ташаббуси, қонун лойиҳаларини қўриб чиқиш ва қабул қилиш, уларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш тартиблари бўйича батафсил маълумотлар берилди.

Қонунчилик палатаси ҳамда депутатлар корпуси фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган ўқув-семинарлар давом этади.

«Халқ сўзи».

Янги қонун халқ манфаатларига хизмат қилади

Қайта тикланувчи энергия манбалари билан боғлиқ янги меъёрлар ҳам ўзгарди. Қўёш панелларини ўрнатишга қўмақлашиш учун имтиёзлар кўрсатилиб, янги қурилмалар фойдаланишга топширилган ойдан эътиборан ўч йил давомида амал қилади. Бу соҳада фойдаланиладиган қурилмалар ва энергия манбаларига тўланадиган солиқ ставкаси ҳам аниқланди.

Қонунда янги бино ва иншоотлар қуришни рағбатлантириш мақсадида қатор вақтинчалик солиқ имтиёзлари жорий қилиниши ҳам иқтисодий ривожланишга ижобий таъсир кўрсатади. Бунинг натижасида қурилиш соҳасидаги ишлар ҳажми кўпайиб, иш ўринлари яратилади, шунингдек, инвесторларнинг қизиқишлари ортади.

Солиқ сиёсатида киритилган ўзгаришлар Давлат бюджетни учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, даромадлар ва солиқлар бўйича ўзгаришлар янги молия йилдан бошлаб амалга оширилади. Қонунга киритилган давлат мулки ва бўш турган ер участкаларига оид янги қонунлар иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш. Бу ўзгаришлар нафақат иқтисодиёт ривожига, балки мамлакатнинг экологик барқарорлигини сақлашга ҳам хизмат қилади.



Ўзбекистонда амалга оширилаётган солиқ ислохотлари бозор ислохотларини қучайтириш ва янги иқтисодий ёндашувларни жорий этишга интилишни кўрсатади. Бу қадамлар мамлакатнинг иқтисодий барқарорлигини сақлаш, экологик муаммоларни ҳал қилишда муҳим ўрин тутайди ва халқаро миқёсда рақобатбардошлиқни оширишни таъминлайди.

Солиқ юқини пасайтириш, солиқ солиш тизимини соддалаштириш ва солиқ маъмуричилигини тақомиллаштириш иқтисодий ривожланишнинг асосий йўналишлари сифатида белгиланди. Бу нафақат мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, балки бозор ислохотларини жа-

даллаштиришга қаратилган муҳим қарорлардан биридир.

Шунингдек, қонунда мобил алоқа хизматлари учун акция солиғи бекор қилиниши, тамаки ва алкоголь ҳамда нефть маҳсулотлари ва бошқа акция товарлар бўйича солиқ ставкалари ўзгартрилиши назарда тутилган. Шу билан бирга, экспортга йўналтирилган даромадлар учун қўлланиладиган айрим солиқ имтиёзлари ҳам бекор қилинади.

Қонунга киритилган қоидалар 2025 йил учун Давлат бюджетини ишлаб чиқиш жараёнида муҳим аҳамият касб этди. Бунда бюджет даромадларининг камайтириш ёки қўпайишнинг назарда тутувчи барча ўзгаришлар келгуси молия йилининг 1 январидан бошлаб амалга оширилади. Бу ислохотлар нафақат молия ва солиқ тизимининг шаффофлигини таъминлашга, балки инвестиция муҳитини яхшилашга хизмат қилади. Ўзбекистонда бозор ислохотларини амалга ошириш ва мамлакатнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлашга қаратилган бундай қадамлар кейинги йилларда ҳам давом эттирилади.

Қонунга киритилаётган қўшимча ва ўзгаришларнинг барчаси аҳоли ва тадбиркорлар манфаатларига хизмат қилиб, Ўзбекистоннинг Конституцияда

қайд этилган ижтимоий давлат макромига тўла мос келади.

Солиқ ва бюджет сиёсати давлатнинг иқтисодий ривожланишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда 2025 йилга мўлжалланган солиқ ва бюджет сиёсатини амалга оширишга йўналтирилган қонун, аввало, солиқ юқини камайтириш ва бозор ислохотларини тезлаштиришга қаратилган. Бу, ўз навбатида, инвестиция муҳитини яхшилашга ва мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришга ёрдам беради.

Қонунни қабул қилиш орқали амалга ошириладиган солиқ ислохотлари ва бюджет сиёсати ўзаро боғлиқ бўлиб, уларнинг натижалари мамлакатнинг иқтисодий ва экологик барқарорлигига йўналтирилган. Масалан, экологик йўналишдаги солиқ имтиёзлари, шу жумладан, қайта тикланувчи энергия манбаларига боғлиқ энгилликлар, ҳудуддаги “яшил” энергия лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга ёрдам беради.

Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технология парк резидентларини 2028 йилдан 2040 йилга қадар барча турдаги солиқлардан (қўшилган қўймақ солигидан ташқари) озод қилиш белгиланди. Имтиёзлар экспортнинг умумий ҳажми 50 фоиз-

дан ортиқ бўлган юридик шахсларга ва 18 ёшдан ошган битирувчиларнинг 50 фоизи ишга жойлашган қорхоналарга татбиқ этилган. Шунингдек, нодавлат мактабга ва умумий ўрта таълим ташкилотлари ҳамда уларнинг фаолияти учун зарур бўлган асбоб-ускуналар, ўқув ва лаборатория материаллари Ўзбекистонга олиб келинганида 2030 йилга қадар қўшилган қўймақ солигидан озод қилинган.

Бундан ташқари, чет эл ўқитувчилари ва мутахассисларига нисбатан ҳам солиқ имтиёзлари мавжуд. 2030 йилга қадар улардан даромад солиғи олинмайди, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари ижтимоий солиқдан озод этилган. Бу имтиёзлар таълим муассасаларининг замонавий жиҳозлар билан таъминланиши, бино ва иншоотларни

Президентимиз тадбиркорларга мурожаат қилиб, “Биз тўғри ишлаётган, иш ўринлари яратаётган, илгор технологияларни жорий этаётган, янги маҳсулотлар ишлаб чиқараётган бизнес вакиллари учун барча шароитларни яратишга тайёремиз. Лекин тақдор айтаман, сизлар ҳам қўриб турибсизлар, ҳуфийна, очикча чиқмаган, солиқ тўламаган одамлар ёнларингизда юрибди. У бизга дўст эмас, у иқтисодиётимизга ҳам, бизга ҳам душман”, деган эди.

Янги қонунда Юртбошимиз урғу берган ушбу жиҳатлар эътиборга олинган ва шак-шубҳасиз, мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилади.

Абдусамд КҶЧИМОВ, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси аъзоси.

ФРАКЦИЯЛАР ҲАЁТИ

ЎзЛиДеП

Маълумки, Конституциямиз қабул қилинганнинг 32 йиллиги муносабати билан қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган жазо муддатини ўтаётган 483 нафар шахс Президентимиз Фармони билан афв этилди.

Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг қуйи палатадаги фракцияси раҳбари **Ақтам Ҳайтов** давлатимиз раҳбарининг мазкур Фармони ортимида олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг, халқимизга хос бағрикенглик, кечиримли бўлиш, олий-жаноблик ва меҳр-мурувват кўрсатиш каби эзгу фазилатларнинг амалий ифодаси эканини алоҳида таъкидлади.

“Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шугулланишлари ҳамда жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак беришда биз, депутатлар ҳам фаол иштирок этишимиз зарур”, деди фракция раҳбари.

«Миллий тикланиш» ДП

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракциясининг шу ҳафта бошида бўлиб ўтган йиғилишида заргарлик саноатини янада ривожлантиришга қаратилган қонун лойиҳаси қизгин муҳокамага сабаб бўлди.

Ушбу ҳужжатда айрим қонун ҳужжатларига заргарлик буюмлари ишлаб чиқарувчиларнинг қимматбаҳо металлларга бўлган талабини қондириш ва қонунчиликда мавжуд бўлган бюрократик тўсиқларни либераллаштиришга қаратилган бир қатор ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тақлиф этилмоқда.

Фракция аъзоси **Васила Файзиева** қонун лойиҳаси қимматбаҳо металл ва тошлардан асалган заргарлик буюмларининг ноқонуний айланмасини камайтиришга қаратилганини қўллаб-қувватлаган ҳолда миллий брендини яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади.

“Тўғри, бу борадаги ноқонуний ҳаракатларга қарши чораларни қўчайтириш керак. Лекин берилмаётган ҳар қандай имтиёзлар, аввало, заргарлик саноатини ривожлантириш ва миллий брендини яратишга қаратилиши лозим”, деди депутат.

«Адолат» СДП

Кейинги вақтда мамлакатимизда фарибгарлик йўли билан фуқароларнинг хабарисиз кредит маблағларини уларнинг номига расмийлаштириш ва мазкур кредит маблағларини ўзлаштириш ҳолатлари ортиб бормоқда. Рақамларга эътибор қаратилмайдиган бўлса, 2024 йилнинг 8 ойида 800 дан ортиқ фуқаролар номига 36 млрд. сўмдан зиёд кредит маблағлари расмийлаштириб олинган. Бу эса ушбу масаланинг ҳуқуқий ечимини топиш заруратини таъқозо қилапти.

“Адолат” социал-демократик партияси фракцияси аъзоси **Дилмурод Исмоилов** “Депутатлар нима дейди?” телеграмм каналда кунчи кеча Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида муҳокама қилинган қонун лойиҳаси кредит соҳасидаги муносабатларни янада тақомиллаштиришга қаратилгани билан аҳамиятли эканини қайд этди.

“Лойиҳа билан айнан фуқаролар томонидан ихтиёрий равишда ўзларининг номига кредит ажратиш учун чеклов ўрнатиш механизми жорий қилинапти. Яъни бунда кредит олиши тақиқланган шахслар реестри юритилади. Кредит ташкилотлари ва бошқа микромолиялаштириш муассасалари томонидан айнан шу реестрдаги маълумотлар қўрилиб, текширилгандан сўнг кредит ажратиш амалиёти татбиқ этиш назарда тутилмоқда. Энг муҳими, агар ушбу тақиқланган шахслар реестридаги маълумотлар текширилмасдан туриб кредит ажратилса, тўлиқ жавобгарлик кредит ёки кредит ажратувчи бошқа ташкилотлар зиммасига юклатилиши белгилаб қўйилапти. Шу билан бирга, кредит бюрорларига ўз мажбуриятларини бажармаганлик учун ҳам жавобгарлик қўзда тутилмоқда. Албатта, мазкур қонун лойиҳаси фарибгарлик йўли билан фуқароларнинг хабарисиз кредитларини уларнинг номига расмийлаштириш ва мазкур кредитларни ўзлаштириш ҳолатларининг олдини олишга хизмат қилади”, дейди депутат.

ЎзХДП

Кунчи кеча қуйи палата мажлисида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга жамоат транспортидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қўриб чиқилиб, нафақат депутатлар орасида, балки ижтимоий тармоқда ҳам қизгин муҳокамага сабаб бўлган эди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси **Қизилгул Қосимова** қонун лойиҳасининг гоё ва концепцияси жуда долзарблигини қайд этиб, амалдаги қонунчиликда жамоат транспорти учун алоҳида ажратилган йўлақларда бошқа транспорт воситаларининг ҳаракатланганлиги учун жавобгарлик назарда тутилмагани ва бу қатнов мунтазамлигига салбий таъсир кўрсатаётганига ургу берди.

“Жамоат транспортнинг тартибли ҳаракатланиши учун шароит яратиб бериш лозим. Аҳоли, айниқса, ногиронлиги бўлган инсонларнинг жамоат транспортдан эркин фойдаланишларини таъминлаш ҳам бугунги кунда жуда муҳим. Эътибор қаратадиган бўлсак, алоҳида йўлак ажратиш масаласи бутун дунёда бор тажриба ва бу қўпгина ривожланган давлатларда муваффақиятли ишляпти. Шундай экан, қонун лойиҳаси билан жамоат транспорти учун алоҳида ажратилган йўлақларда ҳаракатланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик белгилаш назарда тутилмагани аини муддао”, деди депутат.

Ўзбекистон Экологик партияси

Қонунчилик палатасининг кунчи кеча бўлиб ўтган мажлисида қўрилишда чанг ва кўм зарраларининг ҳавога кўтарилишини бартараф этишга қаратилган қонун лойиҳаси атрофли-ча қўриб чиқилганди.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзоси **Моҳира Ҳўжаева** ушбу қонун лойиҳаси юзасидан муносабат билдириб, юртимиз атмосферасида чанг микдори халқаро нормадан 10 баробар ортгани аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётганини таъкидлади.

“Қонун лойиҳаси билан қўрилиш майдонларида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларини бузганлик учун қўрилиш ташкилотлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини белгилаш тақлиф этилаётганини қўллаб-қувватлайман. Нега деганда, атроф-муҳит қанчалик мусофоба бўлса одамларнинг сийхат-саломатлиги мустаҳкамланади, касалликлар камаяди, умр кўриш давомийлиги узади. Энг муҳими, экологик вазият яхшиланади, атмосфера ҳавоси ифлосланишининг олди олинади, қўрилиш ташкилотларининг масъулияти оширилади. Буларнинг барчаси эса ҳар биримизнинг қўлай атроф-муҳитга эга бўлиш борасидаги конституциявий ҳуқуқларимизни таъминлашга хизмат қилади”, деди депутат.

«Халқ сўзи».

СОЛИҚ ВА ЙИҒИМЛАРНИНГ АДОЛАТЛИ БЎЛИШИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Ўзбекистонда инсон қадри ва унинг манфаати барча нарсадан устувордир. Шундан келиб чиққан ҳолда бугунги кунда солиқ хизмати органлари томонидан давлат ва фуқаролар ўртасидаги бурч, мажбуриятларни адолатли, шаффоф усулда бажариш учун қўлай шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Нуктаи назар

Президентимиз ташаббуси билан ўтган йили маҳалла институтининг жамиятимизда ва аҳоли муаммоларини ҳал қилишда биринчи бўлин сифатидаги роли оширилиб, маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика инспектори, солиқчи ва ихтимоий хизмат ходимидан иборат “маҳалла еттичилиги” ташкил этилди. Давлат хизматчилари, хусусан, солиқ хизмати ходимларининг маҳалла даражасига тушиб маҳаллабай ишлаши, ҳар бир фуқаро, ҳар бир субъект кесимида муаммоларининг ҳал қилиниши тадбиркорлар ва аҳолига кенг қўлайлик яратмоқда. Давлат хизматчиси ҳақиқий халқ хизматчиси эканини ҳар бир фуқаро қалбан ҳис этмоқда. Бу эса, ўз навбатида, аҳолининг ватанпарварлик руҳини ошириб, олиб борилаётган халқчил ислохотларга муносиб жавоб беришга ундамоқда.

Шунингдек, мазкур ишларнинг мантиқий давомий сифатида вилот даражасидаги солиқ органларининг иш фаолияти корхонабай ташкил этилиб, ҳудудларда бевосита ҳар бир солиқ тўловчиги юридик шахсининг, тадбиркорнинг ижтимоий ва иқтисодий муаммоларини ўрганиш, уларга проактив шаклда хизмат кўрсатиш, тадбиркорлиқни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратишда солиқ органлари ходимларининг иштироки ва имкониятларини тўлиқ ишга солишни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Олиб борилган манзилли ишлар яшини иш ўринлари ва иш ҳақини легаллаштириш, солиқдан қочиш схемаларининг олдини олиш, қонунчиликка риоя этиш ва солиқ мажбуриятларини бажаришга қўмаклашиш натижасида бугунги кунда 71 минг 387 нафар солиқ тўловчининг товар айланмаси 30 фоиздан ортиққа ўсди. Маҳаллий бюджетларнинг даромади бўлган мол-мулк ва ер солиқлари тушуми жорий йилнинг 11 ойида ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 28 фоиз ошди.

Албатта, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этмасдан, кўрсатилаётган хизматларни рақамлаштирмасдан солиқ тўловчиларга ўз мажбуриятларини бажариш учун маҳкам қўлайликлар яратиб бўлмайди. Шу боис солиқ тўловчиларга кўрсатилаётган электрон хизматларнинг содда ва қўлай бўлишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган “Soliq” мобиль иловасидан ҳам жисмоний, ҳам юридик шахсларнинг бирдай фойдаланиши имконияти яратилди.

Эндиликда ҳар бир тадбиркор, фуқаро биргина қўл телефони (смартфон) орқали “Soliq” мобиль иловасидан фойдаланиб, дунёнинг қайси бурчагида бўлишдан қатъий назар, мажбуриятини бажариши, раҳбар ёки таъсисчи бутун бошли бизнеси бухгалтерияси қандай ишлаётганини кузатиб бориши, қонуний ишлаётган бизнес ҳамкорларини танлаши мумкин. Бу эса ўзаро ишончи ва мустақкам ҳамкорлик гаровидир. Ушбу ило-вадан биргина жорий йилнинг ўзида 862,1 млн. марта фойдаланилди.

Бундан ташқари, бугунги кунда тадбиркорлар ҳисоббарақ-фактураларни 100 фоиз электрон шаклда расмийлаштирмоқда. Бу ҳисоботларни автоматлаштириш даражасини оширишда энг муҳим воситадир. Мазкур электрон ҳужжатдаги барча маълумотлар ҳисоботларда автоматик акс этади.

Ҳисоботларни автоматлаштиришга оид айрим фактларни келтирадиган бўлсак, айни кунда ҚҚС 93 фоз, ер, мол-мулк солиқлари ҳамда АОС ҳисоботи 100 фоиз автоматик равишда шаклланапти.

Жорий йилнинг ўтган даврида электрон ҳужжат айланиш тизими операторлари ёрдамида расмийлаштирилган ЭХФлар бўйича жами товар айланмаси 1 737 трлн. сўмини (ҚҚС билан) ташкил этди.



Автокамерал тизими — тадбиркорларга дастёр

Айтиш жоизки, автокамерал тизими тадбиркорларга яхшигина дастёр вазифасини ўтамоқда. Бу тизим уларга ҳатоларини ўз вақтида тузатиб, мажбуриятларини бажармаганлик учун жарималардан қалқон бўлди. Тадбиркорнинг ҳатосини топиб, уни дарҳол жазолашни эмас, аниқланган хато ва камчиликларни аввал солиқ тўловчининг ўзига тушунтириш ва камчилигини ихтиёрий тузатиш имконияти бериляпти. Шу ўринда бир мисол: 570 трлн. сўмга ихтиёрий равишда қайта ҳисоботлар тақдим этилди, тадбиркорларга нисбатан 216 трлн. сўмлик молиявий жарималар қўлланилишининг олди олинди.

Тадбиркорлик субъектлари билан юзга келаётган айрим мунозарали вазият-

“Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва йиғимларни тўлаши шарт. Солиқ ва йиғимлар адолатли бўлиши ҳамда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишга тўққиллик қилмаслиги керак”.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддаси.



беради. Рейтинги юқори тадбиркорлар учун барча солиқ текшируви беқор бўлди. Қўшилган қиймат солиғи суммаси амалда 7 кундан 30 кунгача бўлган мuddат ўрнига бир кунда, бошқа солиқ турлари бўйича ортиқча тўловлар аввалгидай 15 — 15 кун давомида эмас, балки уч кунда қайтариб берилади.

Хозирда “Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини” электрон онлайн платформасида жами 562,2 мингта тадбиркорлик субъекти баҳоланган. Кўрсаткичи паст бўлган тадбиркорлар интисомли ишлаётганлар сафига қириш ва кўпроқ имкониятга эга бўлиш учун ҳаракат қилади.

Умумий юқори рейтингдаги тадбиркорлар сони 14 бараварга кўпайиб, жами 10 мингдан ошди. “ААА” рейтингдаги тадбиркорларнинг 968 тасига 1,6 трлн. сўмлик ҚҚС суммаси 1 кунда текширувларсиз қайтариб берилди.

Хавфни инсон омилисиз ҳал этиш имконияти

Рақамлаштириш — шаффоф ва очиқ-ойдин, кенг жамоатчилик, яъни истеъмолчиларнинг мурожаати ёки тадбиркорларнинг ўзлари иштирок этиб танланган мезонлар асосидаги барқарорлик рейтингига, хавфни таҳлил қилиш тизими орқали инсон омилисиз ҳал этиш имкониятини яратди.

Соҳанинг рақамлаштирилиши нафақат солиқ ислохотлари, мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий сиёсатни қўллаб-қувватлашда ҳам иштирок этиб, ҳимояга муҳтож аҳолига қатор озиқ-овқат маҳсулотлари хариди бўйича ҚҚС қайтариш юзасидан “Ижтимоий кешбэк” ҳамда истеъмолдан орттирилган электр энергияси

бўйича “Куёшли хонадон” хизматлари орқали тўлов транзакциялари тўлаб берилмоқда.

Маълумот ўрнида таъкидлаш керакки, шу йилнинг ўтган даврида “Куёшли хонадон” хизмати орқали 6,4 минг нафар фойдаланувчига 10,9 млрд. сўм, “Ижтимоий кешбэк” хизмати орқали 135,7 мингта фойдаланувчига 21,9 млрд. сўмлик тўловлар амалга оширилди.

Онлайн чеклари орқали қайси ҳудудда қандай дориларга талаб қўйилганлигига қараб, касалликларнинг олдини олишга қарши тезкор қарор қабул қилиш имконияти мавжуд. Бу яқин келажақда ҳар бир маҳсулот бўйича истеъмол эҳтиёжи ҳақидаги маълумотларни таҳлил этиш имкони пайдо бўлади дегани. Бу эса бюджет маблағлари тақсимотида аҳоли эҳтиёжига қараб истеъмол товарлари импорт-экспорти, ишлаб чиқариш ёки етиштириш ҳажмининг олдиндан белгиллашга имкон беради.

Конституциямизнинг 93-моддасида солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари деб белгиланган. Қонун чиқарувчи органда фуқароларнинг вакиллари, улар томонидан сайланган депутатлар ўз сайловчилари, айнан фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини ҳимоя қилади.

Солиқларни белгилашда фуқароларнинг ижтимоий ҳолати ва иқтисодий эҳтиёжлари, давлатнинг молиявий имкониятлари инобатга олинади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона солиқ тизими амал қилади, бу Конституциянинг 149-моддасида қатъий белгилаб қўйилган.

Ягона солиқ тизими бир хил солиқ ставкаларини ва солиқ йиғиш тартибларини белгилаб, фуқаролар ва бизнес учун адолатли ва барқарор шароитлар яратишга хизмат қилади.

Юртимизда яратилган қўлай инвестициявий ишбилармонлик муҳити, юритилаётган оқилона ва адолатли солиқ сиёсатининг жозибадорлиги нафақат маҳаллий ишбилармонлар, балки дунёга таниқли брендларнинг ҳам қизиқиши ортисида муҳим омил бўлмоқда.

Буни электрон хизматлар кўрсатувчи 61 хорижий компания Ўзбекистонда солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтгани, улар томонидан жорий йилда 101,9 млрд. сўм солиқ тўлангани ҳамда бу рақамлар доимий ошиб бораётганлигидан ҳам кўриш мумкин.

Ягона солиқ тизими нафақат солиқ тўлашни, балки давлат молиясини бошқаришни ҳам соддалаштиради. Ягона тизим ёрдамида давлат молиявий ресурсларини самарали бошқариш имкониятига эга бўлинади, бу эса солиқ тўловчиларга барқарор иқтисодий шароитлар яратишга ёрдам беради. Шу билан бирга, ягона тизим солиқларни йиғиш ва тақсимлашда шаффофликни таъминлайди.

Бош қўмуслисининг 115-моддасига кўра самарали иқтисодий, ижтимоий, солиқ ва бюджет сиёсати амалга оширилиши учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси жавобгар ҳисобланади.

Ҳукумат ижтимоий ва иқтисодий тизимларни уйғунлаштирувчи ва мувофиқлаштирувчи орган сифатида, солиқ сиёсатини амалиётга татбиқ қилишда, Давлат бюджети ва солиқ йиғимлари орқали давлат эҳтиёжларини қондиришга, иқтисодий барқарорлиқни таъминлашга хизмат қилади. Бу, ўз навбатида, ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш ва фуқароларнинг фаровонлигини юксалтиришга қаратилган дастурларни амалга оширишни талаб этади.

Янги таҳрирдаги Конституциямиздаги солиқ ва йиғимлар билан боғлиқ барча ҳуқуқий меъёрлар фуқаролар ҳамда давлат ўртасидаги адолатли муносабатларни ривожлантириш, шу билан бирга, жамиятда барқарорлиқни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Шерзод КУДИБЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Солиқ қўмитаси раиси.

Жакартада «Имом Бухорий: Ўзбекистон ислом санъати» кўргазмаси очилди

Жакарта шаҳридаги “Истиклол” масжидида “Имом Бухорий: Ўзбекистон ислом санъати” номли кўргазма очилди.

Биз ва жаҳон

У Ўзбекистоннинг буй маданий меросини акс эттирувчи, Имом Бухорий ҳаёти ва ижодига бағишланган ноёб ҳамда замонавий технологиялар кўмагида яратилган санъат асарлари тўпламидан иборат. Экспонатлар орасида Ўзбекистон хунармандлари томонидан яратилган хаттотлик асарлари, қўлчилик буюмлари, каштадўзлик ҳамда заргарлик санъати намуналари, миллий либослар ва минаторалар ўрин олган.

Кўргазманинг тантанали очи-

лиш маросимида Индонезия маданияти вазири Фадли Зон, дин ишлари вазири — “Истиклол” масжиди бош имоми Насаруддин Умар, Ташқи ишлар вазири маданий-гуманитар алоқалар департаменти бошлиги Юлиана Бахор, шунингдек, мамлакат Уламолар кенгаши раҳбарияти, сиёсий доира вакиллари, жамоат ташкилотлари намояндалари иштирок этди.

Индонезия дин ишлари вазири — “Истиклол” масжиди бош

имом Насаруддин Умар ўз нутқида Ўзбекистон ҳақли равишда ислом цивилизацияси маркази сифатида эътироф этилишини таъкидлади.

Арабистон ярим оролида дунёга келган муқаддас динимиз айнан Ўзбекистон ҳудудида яшаб ижод қилган уламо ва донишмандларнинг сазй-ҳаракатлари билан ривож топиб, юксак чўққиларга қўтарилди. Ўзбекистон ўзининг бой тарихи ва бетакрор маданияти билан халқларни бирлаштириш, дунё мамлакатлари ўртасида дўстлик кўпригини яратиш салоҳиятига эга бўлган мамлакатдир. Шубҳасиз, “Имом Бухорий” креатив гуруҳи томо-

нинг муқаддас зиёратгоҳи ҳисобланади. Ушбу зиёрат амалини бажариш ҳар бир индонезияликнинг орзусидир. Ишончим комилки, Ўзбекистон ислом санъати кўргазмаси халқимизда катта қизиқиш уйғотиб, мамлакатларимиз ўртасидаги халқ дипломатиясини янада кенгайтириш учун туртки бўлади ва маданий-гуманитар алоқаларимизни янада мустақкамлашга хизмат қилади”, деди маданият вазири.

“Имом Бухорий: Ўзбекистон ислом санъати” кўргазмаси 2025 йил февраль ойига қадар давом этади.

«Дунё» АА.
Жакарта



ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ

Яқинда америкалик олимлар Дарон Ажемўгли, Жеймс Робинсон ва Саймон Жонсонга иқтисодиёт соҳасида 2024 йилнинг Нобель мукофоти берилгани эълон қилинди. Бу хабар нафақат иқтисодчи олимлар, балки кенг жамоатчилиkning ҳам эътиборини тортди. Чунки мазкур олимлар бундай юксак мукофотга айрим давлатлар нима учун бой ва фаровон, бошқалари эса қашшоқ эканлиги борасидаги изланишлари туфайли сазовор бўлдилар. Бу мавзу эса кўпчилиكنи қизиқтириши муқаррар.

Фикр

Тараққиётни таъминловчи саъй-ҳаракатлар асоси

Тарихга назар ташласак, америкалик назарийетчи олим Т. Веблен “Жамият азалдан институтлар қобиғида шакланган” деб эътироф этган. Яъни айнан институтлар одамлар яшаш тарзининг шаклланиши, оила пайдо бўлиши, улар гуруҳларга бирлашиб яшашидан юзага келган. Демак, институтлар инсонлар онги, ақл-идроки, ҳаёт учун кураш зарурияти билан яратилади, уларни кўз билан кўриб, жисман ўлчаб бўлмайди. Улар таъсир кучига эга бўлган ҳокимият ва одамларни ҳаракатга келтирувчи қондалар сифатида намоён бўлади.

Нобель мукофотига муносиб қўрилган Д. Ажемўгли, Ж. Робинсон ва С. Жонсон ўз тадқиқотларидан ана шу институтлар ривожланиш тарихини чуқур ўрганган ҳолда давлатларнинг иқтисодий ривожланиш даражаси сабабларини аниқ далилларга таяниб очиб берган. Шу ўринда таъкидлаш керакки, Нобель совриндорларнинг иқтисодий институтларнинг инклюзив ва экстрактив тоифаларга ажратганликлари давлатлар тараққиёти сабабларини ҳаққоний баҳолашда бош мезон сифатида асосий аҳамиятга эга бўлган.

Инклюзив иқтисодий институтлар — бу мамлакат иқтисодиётига ва унинг барқарор ривожига сармоя киритишга қаратилган институтлар бўлиб, улар инклюзив ўсишнинг афзалликларини кенгроқ эътироф этади. Шунинг учун бутун жамият ва унинг алоҳида гуруҳлари ҳам ушбу иқтисодий ўсишдан манфаатдор бўлиб, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишга, рақобатга, иқтисодиётдаги субъектлар ўртасидаги шартномаларни ўз вақтида бажаришга қаратилган сиёсатни қўллаб-қувватлайди.

Экстрактив институтлар эса иқтисодий жараёнларда озчиликни ташкил қилувчи гуруҳларнинг кўпроқ фойда қўришига йўл очади. Бундай жамиятда коррупция баланд, барқарорлик анча паст бўлиб, ижтимоий ҳамжиҳатлик бўлмайди. Бу эса ривожланишга салбий таъсир кўрсатади.

Шу боис иқтисодиёт субъектлари ўртасида ўзаро муносабатларда мавжуд инклюзив институтларни доимий равишда қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш давлатнинг иқтисодий бойишига ва фаровонликка эришишига сабаб бўлувчи асосий омилдир.

Гап шундаки, ҳар қандай дав-



лакатимизда шунга мос институционал муҳит яратилди. Бундай институционал ўзгаришларни янги тахрирдаги Конституциямизда, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ва унинг бажарилишини таъминловчи янги институтларда, мамлакатимиз қонуналирида, шунингдек, халқимиз урф-одатлари, диний эътиқодларини ҳисобга олувчи институционал-ҳуқуқий нормаларда кўришимиз мумкин.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида инклюзив институтлар нафақат иқтисодиёт, балки таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва бошқа тармоқларга ҳам жадал қилиб бормоқда. Бу

ий инклюзив институтларнинг ривожланишини таъминлаш учун Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларни янада кўпайтириш кўзда тутилган. Хусусан, мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари-га, олий таълим, фан ва инновацияларга, соғлиқни сақлаш ҳамда маданият соҳаларига ажратиладиган маблағлар ҳам инклюзив ривожланишга қўйилган. Бу инклюзив инвестициялар сифатида иқтисодий ўсиш ва самарадорликка олиб келади, халқимиз фаровонлигининг ошишига хизмат қилади.

Инклюзив ривожланиш учун билимли кадрлар

Ўзбекистонда илм-фан ва инновацияларни ривожлантиришга доимо катта эътибор қаратиб келинади. Ҳозирги кунда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиёти билан боғлиқ муаммоларни самарали ҳал этишга йўналтирилган 289 та илмий-тадқиқот институти ва лойиҳа бюроси фаолияти йўлга қўйилган. Шу билан бир вақтда, олий таълим тизимида 62 та илмий марказ ҳамда йирик лабораторияда юқори малакали кадрлар изланишлар олиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиз олимларининг ўзаро ҳамда хорижий ҳамкорлар билан илмий кооперация алоқалари янада кучайишига олиб келмоқда.

Бугун Ўзбекистонда ишлаб турган илмий-тадқиқот институтлари ва марказларда 33 мингдан ортиқ мутахассис-тадқиқотчилар фаолият олиб боради. Улар қаторида инклюзив иқтисодий ўсишни таъминлашга муносиб ҳисса қўшаётган “ТОР — 20” “ақл марказлари”, сунъий интеллект, рақамли иқтисодиёт, ахборот технологиялари ва институционал иқтисодиёт каби илмий марказларда илм-фан ва инновациялар ривожига ўз меҳнатлари билан ҳисса қўшаётган олимларимиз кўпчилиكنи ташкил этади.

Шу боис ишонч билан айтиш мумкинки, Нобель мукофоти совриндорлари турли босқичларда илгари сурган гоялар, илмий натижалар бизнинг мамлакатимизда нафақат инклюзив иқтисодий институтларни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган илмий тадқиқот ишларига, балки олий иқтисодий таълим соҳаларига ҳам кенг татбиқ этилган. Мамлакатимизда институционал

ий инклюзив институтларнинг ривожланишини таъминлаш учун Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларни янада кўпайтириш кўзда тутилган. Хусусан, мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари-га, олий таълим, фан ва инновацияларга, соғлиқни сақлаш ҳамда маданият соҳаларига ажратиладиган маблағлар ҳам инклюзив ривожланишга қўйилган. Бу инклюзив инвестициялар сифатида иқтисодий ўсиш ва самарадорликка олиб келади, халқимиз фаровонлигининг ошишига хизмат қилади.

Шу даврда Институционал ва иқтисодий тадқиқотлар марказида 6 нафар фан доктори, иқтисодиёт фанлари бўйича 14 фалсафа доктори тайёрланди. Ҳозирги кунда яна 2 нафар фан доктори (DSc) ҳамда 3 та PhD тадқиқотчиси самарали иш олиб бораётир. Марказда шу даврда университетимиз Макроиқтисодий сиёсат ва прогнозлаштириш кафедраси орқали 80 дан ортиқ магистрлар тайёрланди ва узлуксиз равишда бакалаврият йўналишида талаба-ёшлар “Институционал иқтисодиёт” фанидан билим олмоқда. Шу билан бирга, марказда 8 та илмий монография чоп этилди, “Институционал иқтисодиёт” дарслиги ўзбек ва рус тилларида қайта ишланиб, 5 марта нашр қилинди.

Университетимизда институционал ислохотларни амалга ошириш учун кадрлар тайёрлашни қўллаб-қувватловчи илмий мактаб ва салоҳиятли тадқиқот маркази самарали фаолият олиб бораётгани ёшларимизга инклюзив таълим, фан ва инновациялар жараёнларда узлуксиз иштирок этиш учун янада кенг йўл очиб бермоқда.

Бозорбой БЕРКИНОВ, ТДИУ профессори, Институционал ва иқтисодий тадқиқотлар маркази илмий раҳбари, иқтисодиёт фанлари доктори.

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар

ТАФСИЛОТЛАР

2025 йилда дарслик ижараси бепул бўлади

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ота-оналардан дарсликлар ва машқ дафтарлари ижараси учун қўшимча тўлов ундириш режалаштирилмагани хусусида маълум қилди.



Вазирлик хабарига кўра жорий йилда мактаб ўқувчилари учун 83,2 млн. нусха дарслик ва машқ дафтарини етказиб бериш учун Давлат бюджетидан жами 1,5 трлн. сўм ажратилган. Ушбу маблағларнинг 435,5 млрд. сўми (ёки 36 фоизи) даврийлиги 1 йил ҳисобланадиган ҳамда ҳар йили янгидан чоп этиладиган машқ дафтарлари учун йўналтирилган.

2025 йилда эса 81 млн. нусха дарслик ва машқ дафтари учун жами 1,3 трлн. сўм маблағни Давлат бюджетидан қоплаш кўзда тутилган. Бу эса янги ўқув йилида ўқувчиларни дарсликлар ҳамда машқ дафтарлари билан таъминлаш бўйича эҳтиёжни тўлиқ қоплаш имконини беради.

Ўзбекистон Халқаро мотоспорт федерациясига аъзо бўлди

Яқинда Испанияда ўтган Халқаро мотоспорт федерацияси (FIM)нинг бош ассамблеясида Ўзбекистон миллий автоспорт ва картинг федерацияси FIM аъзоси бўлгани эълон қилинди.



Ассамблеяда иштирок этган 95 та миллий федерация делегатларининг 98 фоизи Ўзбекистон миллий автоспорт ва картинг федерациясини FIM аъзоллигига қабул қилиш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлади.

Маълумот учун, 1904 йилда ташкил этилган Халқаро мотоспорт федерацияси 120 дан ортиқ миллий федерацияларни бирлаштириб, спорт турлари бўйича мусобақаларни бошқаради. Ушбу халқаро федерацияга аъзо бўлиш Ўзбекистонга халқаро мусобақаларда қатнашиш, бошқа мамлакатлар билан тажриба алмашиш, мото ҳамда автоспортни ривожлантириш имконини беради.

Талабалар учун сайёр кассалар ташкил этилди

Қишки таътил муносабати билан Тошкент шаҳридаги олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларнинг доимий яшаш маъиллариغا етиб боришларида қўшимча қулайлик яратиш мақсадида сайёр кассалар ташкил этилди.



Бу ҳақда Транспорт вазирлиги маълум қилди.

Мазкур сайёр кассаларда талабалар темир йўл ҳамда автобус қатновларига чипталарни сотиб олиши мумкин.

Сайёр кассалар Ўзбекистон Миллий университетининг Ўзбек филологияси факультети ва Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг А-биносидида ташкил этилган.

Электробусларнинг навбатдаги партияси

Самарқанд Ўзбекистонда ЕТББнинг “Яшил шаҳарлар” дастурига қўшилган илк шаҳар бўлди. Лойиҳа доирасида Самарқанд шаҳар жамоат транспорти йўналишларида электробуслар ҳаракати йўлга қўйилиши белгиланган.



Бугунги кунга қадар шаҳарга 36 та электробус олиб келиниб, йўловчилар хизматиغا чиқарилди. Мазкур электробуслар Темир йўл вокзали — Самарқанд халқаро аэропорти, Ватанпарвар маҳалласи — Самарқанд тумани шиофохонаси, Темир йўл АББ — Сиёб АББ ва Темир йўл АББ — Темир йўл АББ (ҳалқа йўналиши) шаҳар автобус йўналишларида аҳолига транспорт хизматини кўрсатиб келмоқда.

Эътиборлики, мазкур лойиҳа доирасида Самарқанд шаҳрига яна 15 та электробус қувватлаш қурилмалари билан бирга олиб келинди.

Ил яқунига қадар электробусларнинг умумий сонини 100 тага етказиш режалаштирилган.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

ХАБАР

“Маҳалла” хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан 2017 йил 14 сентябрда давлат рўйхатидан ўтказилган Тошкент шаҳар “Маҳалла” фондининг қуйидаги туман бўлинмалари фаолияти тўғрисидаги гувоҳноманинг асли йўқолганлиги ҳақида маълум қилади:

№	Туман	Гувоҳнома рақами	СТИР
1.	Учтепа	537п-сон	200 661 770
2.	Сергели	530п-сон	200 648 825
3.	Миробод	528п-сон	201 303 240
4.	Янгиҳаёт	886п-сон	207 334 357
5.	Шайхонтохур	531п-сон	202 436 289

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

қуйидаги кафедралар бўйича лавозимларга танлов эълон қилади:

Музыка назарияси кафедраси	кафедра мудири — 1 ўрин;
Махсус фортепиано кафедраси	кафедра мудири — 1 ўрин;
Халқ чолғуларида ижрочилик кафедраси	кафедра мудири — 1 ўрин,
	доцент — 1 ўрин;
Музыка тарихи ва танқиди кафедраси	профессор — 1 ўрин;
Композиторлик ва чолғулаштириш кафедраси	профессор — 2 ўрин,
	доцент — 1 ўрин,
	катта ўқитувчи — 2 ўрин;
Академик хонандалик ва опера тайёрлови кафедраси	профессор — 1 ўрин;
Концертмейстерлик маҳорати кафедраси	профессор — 1 ўрин;
Ўзбек тили ва ижтимоий фанлар кафедраси	профессор — 1 ўрин;
Ўзбек музикаси тарихи кафедраси	доцент — 1 ўрин;
Оркестр дирижёрлиги кафедраси	доцент — 1 ўрин;
Торли чолғулар кафедраси	доцент — 2 ўрин;
Факультетлараро фортепиано кафедраси	доцент — 1 ўрин,
	катта ўқитувчи — 1 ўрин;
Муслиқий педагогика кафедраси	катта ўқитувчи — 2 ўрин;
Пуфлама ва зарбли чолғулар кафедраси	катта ўқитувчи — 2 ўрин.

Аризалар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида Ўзбекистон давлат консерваториясининг ходимлар бўлими томонидан қабул қилинади.

Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Ботир Зокиров кўчаси, 1-уй.

РЕКЛАМА

Мамлакатимиз умумтаълим мактабларида III чорак дарслари 2025 йил 13 январдан бошланади.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бююртма Г — 1242. 10 909 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғоқ бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқатий маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; *компьютер* 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



Тахриратта келган кўлаёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.
Газета тахриратта компьютер марказида термал ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланади.
Газетанинг полиграфик ҳижатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Музаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 21.00 Топширилди — 23.55 1 2 3 4 5 6